

## **ХИТОЙНИНГ ЎРТА ШАРҚДАГИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ**



10.24412/2181-1784-2021-1-669-678

**Мұхаммадсiddиков Мұхаммадолим**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар”

кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор

**Аннотация.** Ушбу мақола Хитой Халқ Республикасининг ташқи сиёсатида иқтисодий дипломатияси ва унда Ўрта Шарқ давлатларининг ўрни таҳлил қилинган. Тадқиқотда шунингдек, Форс Кўрфази давлатлари ва ХХР ўртасидаги энергетика соҳасидаги алоқалар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** Ўрта Шарқ, иқтисодий дипломатия, Марказий Осиё, Эрон, углеводород, Хитой дипломатияси.

**Annotation.** The article analyzes economic diplomacy in the foreign policy of the People's Republic of China and the role of the Middle East countries in it. The study also explores the energy relations between the Gulf countries and the PRC.

**Keywords:** Middle East, economic diplomacy, Central Asia, Iran, hydrocarbons, Chinese diplomacy.

Хитой Халқ Республикаси бугунги дунёning АҚШдан кейинги иккинчи иқтисодиётини ўзида мужассамлаштирган қудратли давлатdir. Эътиборлиси шундаки, ушбу мамлакатнинг глобал иқтисодиёт ва бошқарувдаги ўрни мунтазам равишда мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг зиддиятли оқибатларидан бири ХХР ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳалардаги рақобатнинг кучайишида тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Хитой ўзининг глобал даражадаги етакчи давлатга айланиш режаларини ошкор эълон қилмоқда. Ушбу мамлакат илмий жамоатчилиги томонидан нашр этилаётган ишларда “Хитойнинг инсоният тараққиёти, келажагига ҳисса қўшишдай вазифаси бор. Борган сари бу ҳисса глобал бошқарувда ўз ифодасини топмоқда” деган катта амбицияларни ўзида мужассам этган хулосалари ёки Си Цзинпиннинг “дунё – катта макон, у муаммолар билан тўла. Халқаро ҳамжамият Хитойнинг овозини эшитиб, режасини кўришни истайди.

Хитой ҳозир бўлиши керак”<sup>1</sup> каби баёнотлари тасдиқламоқда. Шунингдек, дунёнинг нуфузли хулосалари, жумладан, катта шов-шувларга сабаб бўлган “Хитой ғалаб қозондими?”<sup>2</sup> китобининг муаллифи сингапурлик машхур профессор Кишор Маҳбубанинг коронавирус пандемияси глобал иқтисодий тараққиёт йўналишларини ўзгартирмайди, яъни у марказида АҚШ турган глобаллашув жараёнларини Хитойга интилувчи глобаллашув билан алмашинувини тезлаштиради деган маънодаги башоратлари тобора кўпроқ оммалашиб бормоқда.

Бундан АҚШ бошлигидаги ривожланган Ғарб дунёсининг хавотири ошиб бормоқда, Хитой тараққиётини тезлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган замонавий технологияларнинг ушбу мамлакатга киришини олдини олишга қаратилган чораларни кўрмоқда. Иккинчи тарафдан, Хитойнинг мунтазам кучайиб бораётган қудрати унинг гиперқўламларни қамраб олаётган геосиёсий ташабbusлари шаклида ўз ифодасини топмоқда ва дунё харитасини ўзгартиришда давом этмоқда. Бунинг натижасида нафакат Хитой билан бевосита қўшни бўлган, балки ундан олисларда жойлашган мамлакатлар ҳам янги геосиёсий воқелик таркибидаги ўзларига мос ўринни излашга мажбур бўлмоқдалар. Айниқса, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси ҳалқаро миқёсдаги ва кўпинча зиддиятли акс-садоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу ташаббус ёки геосиёсий гиперлойиха қуруқликдаги қисмининг қоқ юрагида жойлашган Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ана шундай шароитда ривожланаётган давлатлар қаторига киради.

Хитой ташки сиёсати концепцияси ҳалқаро муносабатларнинг барча масалалари бўйича Хитойнинг тўлиқ мустақиллик ва эркинлик асосида иш кўриши, ҳарбий куч ва гегемонияга қарши туриши, блокларга қўшилмаслиги, шунинdek, супердержавалар билан стратегик алоқалар ўрнатишдан сакланичи каби фундаментал ёндашувларга асослангандир.

Сўнгги ўн йилларда чегарадош давлатлар билан ҳалқаро муносабатларда Хитой сезиларли натижаларга эришди. Биринчидан, уларнинг кўпчилиги билан ҳамкорлик ва стратегик шерикчилик муносабатлари ўрнатилди. Хусусан, икки томонлама ташрифлар давомида Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан стратегик шерикчилик муносабатлари

<sup>1</sup> Глобал бошқарувда Хитой етакчилиги. Тошкент, Олтин Медиа, 2019, 7-6.

<sup>2</sup> Mahbubani K. Has China Won? The Chinese Challenge to American Primacy. Singapore National University Press. 2017.

шаклланди. Индонезия ва Малайзия билан эса алоқалар ҳар томонлама стратегик шерикчилик муносабатлари даражасигача кўтарилиди. Иккинчидан, соҳалараро алоқаларнинг самарадорлиги ошди. Учинчидан, савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожламоқда: қўшни худудлар билан савдо айланмаси 100 млрд. дан 1,3 трлн. долларгача ошди<sup>3</sup>. Тўртинчидан, минтақавий кооперация чуқурлашмоқда. Бундан ташқари, Хитой қўшни мамлакатлар олдида қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Жумладан, таълим соҳасида яқин 10 йилда хорижлик талабалар учун 40 мингдан ортиқ давлат степендијаларини ажратиш, яқин 5 йил ичида эса, Индонезия билан узлуксиз талабалар алмашиш, Покистон учун 100 нафар Хитой тили ўқитувчиси тайёрлаш ва Конфуций институтлари сонини кўпайтириш бўйича маҳсус лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон учун 2005 йилдан Тошкент давлат шарқшунослик институти қошида, 2013 йил сентябрдан эса, Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида Конфуций институтларининг бўлимлари ташкил этилди. Бу ўринда Хитойдаги Марказий Осиё минтақасига ихтисослашган фонд томонидан ажратилган маблағлар 200 млн. юангача (32,9 млн. доллар) оширилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Охирги йилларда ХХР ташки сиёсатида ўз ифодасини топаётган жиҳатлардан бири "Адолат ва фойда концепцияси" деб аталмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар билан муносабатларида Хитой бир вақтнинг ўзида қатор мақсадларни кўзлайди. Уларга барча босқичларда сиёсий ичончни мустаҳкамлаш, тегишли соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорликни чуқурлаштириш, гуманитар йўналишда (туризм, соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳ kz.) ўзаро алмашувни кенгайтириш, халқаро ва минтақавий масалаларни ечимини излашда яқин ҳамкорлик йўлидан бориш ва бошқалар киради. Зикр этилган концепция доирасида Хитой ҳар бир минтақа учун алоҳида стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқсан. "Адолат ва фойда концепцияси" айнан ХХР раиси Син Цзинпиннинг 2013 йил Африкага қилган ташрифида илгари эълон қилинган эди. Унга кўра, Хитой ривожланаётган мамлакатлар билан муносабатида ўзаро ишонч, тенглик, дўстлик тамойилларига асосланмоқчи, уларнинг адолатли ҳамкорлик ва прогрессив интилишларини кўллаб-куватламоқчи эканини билдирган эди. Хитой раҳбарларининг фикрича, фойда

<sup>3</sup>Мокрецкий А. Основные направления китайской дипломатии // [Проблемы Дальнего Востока №1, 2015 г.– С.47.](#)

икки томонлама бўлиши керак ва Хитой тегишли давлатлар билан биргаликда ривожланишни амалга оширишга тайёр<sup>4</sup>.

Хитой Ташқи ишлар вазири таъкидлаганидек, "Адолат ва фойда концепцияси" Хитой дипломатияси анъаналари ва ўзига хос социалистик мамлакат бўлган XXРнинг ғоялари кесишган нуқтадир. Концепция Хитойнинг ривожланаётган мамлакатлар билан муносабатларини кенгайтирувчи муҳим омил ва Хитой дипломатиясининг "байроғи"га айланди<sup>5</sup>. Унинг моҳиятини ташқи сиёсатда "юмшоқ қуч" омилидан самарали фойдаланиш ташкил этади дейиш мумкин.

Аммо Ғарб дунёси Хитойнинг Африкага кириб келаётганидан ҳавотирда. Ғарб оммавий ахборот воситалари ҳақли равишда Хитойнинг Африкага бўлган қизиқиши қудратли давлатнинг юксалаётган иқтисодиёти эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун табиий ресурсларни излаш билан боғламоқда. Шу билан баробар, улар Хитойни ўз сармоялари билан Африкадаги диктаторларни қўллаб-қувватлашда ҳам айбламоқда.

Замбиялик иқтисодчи Д.Моё "юмшоқ қуч"дан фойдаланиш, ер, сув, минерал хомашёлар каби манбаларга эришиш ва уларни йифиш шу кунгача Хитой ривожланиш стратегиясининг асосий сифати бўлиб хизмат қилмоқда<sup>6</sup>" деб таъкидлайди. Лекин, унинг фикрича, XXРнинг бошқа стратегияга ўтиш эҳтимоли ҳам бор. Унда мамлакат "қаттиқ кучдан" фойдаланиб, ресурсларни, айниқса, Африка ресурсларини қўлга киритиш учун ҳарбий омилга асосланган мустамлакачилик стратегиясини қўллаши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Форс кўрфази минтақаси дунёдаги нефт захираларининг 65 фоизи ва газ захираларининг 30 фоизи тўпланган нефт ва газга энг бой минтақадир<sup>7</sup>. Бу ерда Эрон, Саудия Арабистони, Ироқ, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, шунингдек, дунёдаги табиий газ захираларининг 15% дан кўпроғига эгалик қилувчи Қатар каби нефт қазиб оловчи давлатлар жойлашган. Шу билан бирга, ушбу минтақа сиёсий бекарорлик билан ажралиб туради. Бу ердаги вазият узоқ вақт давомида қизғин қуролланиш пойгаси, ҳал этилмаган Эрон ядеровий муаммоси, Ироқ ва Сурия ва Ямандаги кескин вазият, халқаро терроризмнинг

<sup>4</sup>Си Цзиньпин завершил визиты в страны Африки и отбыл из Йоханнесбурга в Китай // [http://russian.news.cn/2015-12/06/c\\_134888716.html](http://russian.news.cn/2015-12/06/c_134888716.html)

<sup>5</sup>Главный функции и оязанности Министерства иностранных дел КНР// [www.fmprc.gov.cn/mfa\\_chn/wjdt\\_611265/sjxw\\_61127.html](http://www.fmprc.gov.cn/mfa_chn/wjdt_611265/sjxw_61127.html)

<sup>6</sup>Цзун Хэ Строительство отношений нового типа//Китай №10(120) октябрь 2015. – С. 18.

<sup>7</sup> BP Statistical Review of World Energy 2005. London: BP, 2005. P. 162/

кучайиши ва ташқи кучларнинг ички сиёсатга араласиши туфайли минтақа хавфсизлигини таъминлаш кундан кунга мураккаблашиб бормоқда.

Минтақадаги нуфуз учун курашнинг асосий иштирокчиларидан бири –бу, шубҳасиз, Хитой. Бунинг негизида турган омил эса – иқтисодий масаладир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда Хитой амалда Кўрфазнинг бир қатор давлатларидағи асосий сармоядор ва бизнес шерикка айлангандир. Пекин Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнида БМТ ташаббуси билан ўтказилган турли тинчликпарварлик миссияларда иштирок этади, Россия ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бошқа давлатлар билан биргаликда Сурия можаросининг сиёсий-дипломатик ечимини топишга чақиради ҳамда терроризм ва гиёхванд моддалар савдосига қатъиян қаршилик кўрсатади.

Бироқ, баъзи тадқиқотчиларга кўра, 1980-йилларнинг ўрталари - 90-йилларнинг бошларига қадар Кўрфаз минтақасидаги воқеалар ривожига Хитой жиддий таъсир кўрсатмади. Масалан, Лондон Олий Иқтисодиёт Мактабининг профессори, Яқин Шарқ бўйича мутахассис Фред Холидайнинг фикрича, яқингача замонавий Яқин Шарқ тарихи Хитой хақида бирон бир эслатмасиз ёзилиб келингани<sup>8</sup> айни ҳақиқатдир.

Россия дипломати, Россия Ташқи ишлар вазирилиги хузуридаги МГИМО профессори С.З. Жизнин буни 1980-йилларнинг иккинчи ярмидаги шароитлар билан изоҳлайди. ХХР, соф экспортчидан энергия ташувчисининг сўзсиз импортчисига айланиб, унинг энергия хавфсизлигининг ташқи сиёсий кафолатларини энергия дипломатияси учун устувор вазифа сифатида белгилаб олди, улар орасида нефт импортини диверсификация қилиш, мамлакатга углеводородларни барқарор етказиб бериш ва давлатни дипломатик қўллаб-куватлаш киради<sup>9</sup>.

Хитойнинг Форс кўрфази мамлакатларининг табиий бойликларига қизиқиши, иқтисодий ривожланишнинг жадал суръатлари туфайли энергия хомашёсининг доимий ўсиб бораётган ҳажмига бўлган эҳтиёждан келиб чиқади<sup>10</sup>. Бу, ўз навбатида, анъанавий равишда, энг йирик нефт импортчилари билан минтақавий рақобатнинг кучайишига олиб келади.

Форс кўрфази минтақаси аҳамиятини Хитойнинг геосиёсий манфаатлари нуқтаи назаридан қўриб чиқсан, Ҳормуз бўғозининг логистик қийматини

<sup>8</sup> Fred Halliday. The Middle East in International Relations: Power, Politics and Ideology (The Contemporary Middle East). Cambridge: Cambridge University Press, 2005. P. 68.

<sup>9</sup> Zhiznin S.Z. Russian energy diplomacy: the economy, politics, and practice. Moscow: OOO «Ist Bruk», 2005. P/ 331.

<sup>10</sup> Ladislaw S. Energy and Development Trends: The Role of Rapidly Emerging Countries // Centre for Strategic and International Studies. 2013, Ns 2. Available at: [http://csis.org/files/publication/111219\\_Ladislaw\\_EnergyDevelopment\\_Web.pdf](http://csis.org/files/publication/111219_Ladislaw_EnergyDevelopment_Web.pdf).

таъкидлаб ўтиш керак. У орқали Хитой ўзининг нефт ресурсларининг 55 фоизини импорт қилади<sup>11</sup>. Ушбу сув йўлагининг ўзига хослиги ва стратегик вазни шундан иборатки, Ҳормуз араб ва Эрон углеводородларини учинчи мамлакатларга ташиш мумкин бўлган ягона транзит йўли ҳисобланади. Бу ҳақли равишда жаҳон бозорига, шу жумладан АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Осиё-Тинч океани минтақасига нефт етказиб беришнинг энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Дунё бўйлаб нефт етказиб беришнинг 40% дан кўпроғи (асосан, Ироқ, Кувайт, БАА, Эрон) ва нефт маҳсулотлари (асосан, Қатардан – суюлтирилган газ) орқали ва Форс кўрфазидаги умумий экспортнинг 93% у орқали ўтади<sup>12</sup>.

Ушбу сув транспорти артериясини тўсиб қўйиш хавфи ҳам техник, ҳам сиёсий сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин. Форс кўрфазига кириш учун ҳар қандай кема Эроннинг ҳудудий сувлари орқали бўғиннинг маълум қисмини сузиб ўтишга мажбур бўлади. Бироқ кемаларнинг Ҳормуз орқали ўтиши БМТнинг кемаларни транзит ўтиш қонуни тўғрисидаги Конвенциясининг З-қисми томонидан назорат қилинишига қарамасдан, Эрон ҳам АҚШ сингари ушбу халқаро шартномани ратификация қилмаган. Бундан келиб чиқадики, Техрон чет эл кемаларини ўз сувлари орқали ўтказишга мажбур эмас, гарчи ҳозирда ЭИР бунга халақит бермаса ва сув оқими одатдаги режимда ишлаётган бўлса-да.

2012 йил июл ойида Эрон парламентининг ярмидан кўпроқ аъзоси Эрон нефтини сотиб олишга эмбарго қўйган Ғарбнинг санкцияларига жавобан Ҳормуз артериясини блокировка қилиш тўғрисидаги қонунни маъқуллади. Эроннинг иқтисодий шерикларидан бири бўлган Хитойнинг муносабати узокқа чўзилмади. Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония ва Корея Республикаси ўзларининг АҚШдаги иттифоқчилари билан ушбу мамлакатнинг эмбаргосига қарши факат декларатив даражада бирдамликни намойиш қиласар эканлар, муқобил нефт экспортчисини қидириш бошланганлиги ҳақидаги баёнотлар билан чекланиб қолишган. Туркия, Жанубий Африка, Ҳиндистон ва Шри-Ланка Вашингтоннинг чақириқларига қулоқ солмади, Хитой эса Саудия Арабистони қироллигидан нефт етказиб беришни кенгайтириш бўйича музокараларни

<sup>11</sup> Bruno de Paiva. Strait of Hormuz: globally significant as ever — analysis // Eurasia review. News and analysis. Available at: <http://www.eurasiareview.com/21042014-strait-of-hormuz-globally-significant-as-ever-analysis>.

<sup>12</sup> Through the eye of a needle. Critical locations of oil transportation. 2011. Available at: <http://www.novoteka.ru/Economics.Energetics.OilAndGas>? lastdate=/2011-02-20.

бошлади, шу билан бирга, Эрон нефтининг импортини деярли ярмига қискартириди<sup>13</sup>.

Пекиннинг ушбу позицияси Вашингтон билан Техронга нисбатан дўстона муносабатларни ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдорлиги билан изоҳланади, чунки АҚШ бошчилигидаги Farb мамлакатлари Хитой компаниялари учун маҳсулотларнинг асосий бозори ва инвестиция ва инновацион технологияларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Хитой бир неча бор АҚШ фойдасига танлов қилишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, 2006-2008 йилларда Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эронга қарши санкцияларни жорий этиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлади ва 2008 йилда Хитой банклари АҚШ Мудофаа вазири Р.Гейтснинг 2007 йил охирида Пекинга ташрифидан кейин 4 ой давомида Эрон банклари билан ҳамкорликни тўхтатди<sup>14</sup>.

Шу билан бирга, Хитой ва Россиянинг ташқи ёрдами Эроннинг ядроий дастури бўйича музокаралар жараёнини давом эттиришга имкон яратди ва иқтисодий санкцияларнинг босқичма-босқич заифлашишига ёрдам берди. Шу сабабли Хитой-Эрон муносабатларининг бир мунча зиддиятли бўлишига қарамай, уларда ижобий вектор устуворлик қилмоқда.

Углеводородлар савдосидан ташқари, ҳарбий-техникавий, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлик, Хитой ва Эрон Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича қўшма режаларга эга. Хитой ушбу лойиҳани денгиз ва ҳаво йўларига алтернатива сифатида кўрмоқда. Эроннинг Farb мамлакатлари билан муносабатларидаги бекарорликни ҳисобга олинган ҳолда, Хормуз энергия таъминоти учун энг ишончли йўл эмаслиги назарда тутилмоқда.

Форс кўрфази минтақасидан Осиё бозорларига олиб чиқилиши мумкин бўлган "қора олтин" йўлидаги яна бир тўсиқ – бу Малакка бўғозини тўсиб қўйилиши хавфидир. Халқаро юқ ташиш ҳажмининг 30% дан ортиғи Малакка сув йўлида<sup>15</sup> ва унинг юқ оқимининг 90% Форс кўрфази ва Африкадан келган нефтдир<sup>16</sup>. Ушбу денгиз йўлининг қийинчиликлари бор-йўғи 2,5 кмни ташкил этади, айнан шу асофа уни бошқалар ҳисобига фойда олишни истаган қароқчилар ва террорчилар учун ўта жозибали қиласи.

<sup>13</sup> As the United States are struggling with China// Voprosik. net. Available at: <http://voprosik.net/> kak-ssha-boretsya-s-kitaem.

<sup>14</sup> Evseev V.V. Sino-Iranian relations at the present stage // Institute of the Middle East. Available at: <http://www.iimes.ru/rus/stat/2010/14-03-10.htm>.

<sup>15</sup> T'yerri Meysan. Breaking the Waves // SET' VOL'TER. Available at: <http://www.voltairenet.org/article166043.html>.

<sup>16</sup> As the United States are struggling with China// Voprosik. net. Available at: <http://voprosik.net/> kak-ssha-boretsya-s-kitaem.

олган ҳолда, 2010 йил охирида, Хитой ҳукумати томонидан режалаштирилган лойиҳага кўра, Хитойнинг Қашғар шаҳридан Афғонистон Ҳиротидан ўтиб Эронга етиб борадиган ва Хитойни Ўрта Осиё орқали Форс кўрфази билан боғлайдиган трансконтинентал темир йўл қурилиши ҳақида эълон қилинди.

Хитой трансконтинентал магистралининг сўнгги йўналиши сифатида иккита вариантни кўриб чиқмоқда. Биринчиси, Бандар Аббос порт шахри бўлиб, у ўзининг жуғрофий жойлашуви туфайли Эрон соҳилидаги Ҳормуз бўғозининг стратегик обьекти ҳисобланади. Иккинчиси - Эроннинг соҳилида, Бандар Аббосдан ғарбда жойлашган Бушеҳр порт шахри, бу ерда Эроннинг биринчи атом электр станцияси қурилмоқда.

Албатта, Эрон Хитой манфаатлари доирасида муҳим ўрин тутади, аммо Арабистон ярим ороли мамлакатлари ва, биринчи навбатда, Саудия Арабистони билан алоқаларни мустаҳкамлаш Пекиннинг стратегик режаларида ҳал қилувчи ўрин тутади.

Эрон ва САП нинг минтақавий етакчилик учун кескин қарама-қаршилиги, шунингдек, мавжуд сиёсий ва диний адоват улар ўртасидаги дўстона алоқаларни сақлаб қолишни қийинлаштиради. Бироқ ҳозирги пайтда Пекин маълум даражада мувозанатни сақлашга ва иккала мамлакат билан яхши муносабатларни сақлаб туришга қодир, бу асосан “табассум дипломатияси”, яъни яхши қўшничилик дипломатияси ва ҳалқ дипломатиясининг тегишли сиёсий ташабbusлари туфайли<sup>17</sup> бўлиб, у Хитой миллий манфаатларини қондиришга мослашган ва анъанавий конфуцианчилик қарашларга тўйинтирилган сиёsatdir.

Саудия Арабистони билан барқарор ва жадал ривожланаётган алоқалар Хитой билан боғлиқ аниқ иқтисодий ва сиёсий омилларга бориб тақалади. Жумладан, Саудия Арабистони Хитойга хом нефт етказиб берувчиси асосий шерик ҳисобланади. 2013 йилда Хитойга импорт қилинган “қора олтин” нинг 19 фоизи САПга тўғри келган<sup>18</sup>. Сиёсий нуқтаи назардан, Саудия Арабистони билан ҳамкорлик Хитой учун Араб Лигаси, ИХТ форматидаги кўп томонлама ҳалқаро ҳамкорлик платформаларида муҳим ўрин тутганлиги сабабли муҳимдир. Шубҳасиз, САПнинг ХХР учун сиёсий аҳамияти Яқин Шарқдаги ўз манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим механизmdir<sup>19</sup>.

<sup>17</sup> Francis Fukuyama. A Grand Strategy Essay. Dealing with China // Stanford University. Available at: [http://www.hoover.org/sites/default/files/fukuyama\\_dealingwithchina.pdf](http://www.hoover.org/sites/default/files/fukuyama_dealingwithchina.pdf).

<sup>18</sup> China. Overview // EIA. Independent Statistics and Analysis. Available at: <http://www.eia.gov/countries/cab.cfm?fips=CH>.

<sup>19</sup> Pakhomova M.A. China's policy in the Arab East (1978—2012). Synopsis. Moscow, 2013. Pakhomova M.A. China's

Ҳозирги кунда мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли асосга қурилган ва энг юқори даражадаги расмий ташрифлар билан қўллаб-кувватланаётган муносабатлар мавжуд. Пекин ва Риёз ўртасидаги муносабатларнинг кучайиши энергетика, космик технологиялар, инфратузилмавий қурилиш, темир йўллар, ядро энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, маданият ва таълим ҳамда ҳарбий-техникавий соҳаларда доимий равишда кенгайиб бормоқда.

1981 йилдан бошлиб хитойлик мусулмонларнинг Исломнинг Макка ва Мадинани зиёрат қилиши қайта тикланди, Хитойда Қуръонни нашр этиш бўйича ишлар кучайтирилди, масжидлар реконструкция қилинди<sup>20</sup>.

2014 йилда энг йирик давлат нефт компаниялари – БАА нинг нефт компаниялари томонидан Хитойга нефт етказиб бериш бўйича имзоланган 20 йиллик шартнома кучга кирди. Ушбу нефт гигантлари билан стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шуниси эътиборга лойиқки, қўшма Хитой-араб инвестиция жамғармаси ва Осиё инфратузилма инвестиция банкини Сино-араб саъй-ҳаракатлари билан Ипак йўли иқтисодий белбоғини шакллантириш лойиҳасининг бир қисми бўлган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича маслаҳатлар олиб борилмоқда. Улар Осиё, Европа ва Африкани бирлаштиришга мўлжалланган “Денгиз Ипак Йўли”ни ташкил этиши назарда тутилган.

Хитой-араб ҳамкорлигини чукурлаштириш мақсадида Президент Си Цзинпин "1 + 2 + 3" формуласини таклиф қилди, унда 1 - энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, 2 - инфратузилмани қуриш ва савдо фаолиятини олиб бориш ва сармоявий муҳитни яхшилаш учун қулай шароитлар яратиш; булар уч асосий юқори технологияли соҳалар: атом энергияси, космик ва ракета сектори ва янги энергия манбалари<sup>21</sup>. Ушбу формат Хитой раҳбари томонидан 2014 йил август ойида узлуксиз ҳамкорлик механизми - 2004 йилда ташкил этилган "Хитой-араб ҳамкорлик форуми" нинг вазирлар учрашувида илгари сурилган эди.

1991 йилга келиб, Ироқ нефтини ишлаб чиқарувчилар орасида Хитой етакчи бўлган, 60 дан ортиқ хитой компаниялари Ироқда ишлаган ва кейинчалик БМТнинг "Озиқ-овқат учун нефт" дастури бўйича 500 дан ортиқ шартномалар тузилган<sup>22</sup>. Ушбу ҳамкорликка тўсиқлар аслида Ироқнинг кўпгина нефт конлари устидан назоратни монополлаштирган

policy in the Arab East (1978—2012). Synopsis. Moscow, 2013.

<sup>20</sup> Kuznetsov V.S. The Chinese Muslims // Asia and Africa today. 2010. Ns 3. P. 2.

<sup>21</sup> Xi Jinping proposed to develop cooperation in the format of "1 + 2 + 3" between China and the Arab world // Russian.news.cn. Available at: [http://russian.news.cn/china/2014-06/05/c\\_133386396.htm](http://russian.news.cn/china/2014-06/05/c_133386396.htm).

<sup>22</sup> UN Security Council resolution number 986 of April 14, 1995. Available at: <http://daccess-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N95/109/90/PDF/N9510990.pdf?OpenElement>.

америкаликларнинг келишидан кейин пайдо бўлди, бу эса Хитойнинг бу ердаги позициясини узоқ вақт давомида заифлаштириди.

Фақат 2006 йилда Хитой-Ироқ муносабатлари аста-секин тиклана бошлади, натижада Пекин Бағдоднинг энг йирик мижозига айланди. 2013 йилга келиб, Хитойнинг Ироқнинг нефт секторига киритган сармояси йилига 2 миллиард долларни ташкил қилди, юзлаб хитойлик нефт муҳандислари нефт конларига хизмат қилиш учун Ироққа келишди ва Хитой ҳатто ишчиларни ташиб учун Ироқ чегараларида ўз аэропортини курди.

Аммо Хитой иқтисодий ривожланишининг порлок истиқболлари ИШИД террорчи гурухининг келиши билан йўққа чиқа бошлади. Хитой ўз давлати худудида бекарорлик марказлари пайдо бўлишидан кўркиб, ИШИДга қарши кураш коалицияси фаолиятида катнашишдан бош тортди<sup>23</sup>.

Шундай қилиб, Арабистон ярим оролидаги мураккаб вазият ва сиёсий бекарорликка қарамай, Хитой ушбу минтақада ўзининг "қуёш остидаги ўрни" учун курашни давом эттирмоқда, Форс кўрфазидаги иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаб, ўз иқтисодий тараққиётини юксалтиришга қаратилган геосиёсий фаолияти кўламини кенгайтирмоқда

<sup>23</sup> Mezhdunarodnaya koalitsiya po bor'be s IGIL: mezhdu otkazom Rossii i molchaniem Kitaya // Radio SAWA. Available at: <http://www.radiosawa.com/content/iraq-isis-us-coalition-russia-china/260272.html>.